

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙИЙ ФАОЛЛАШУВИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Шоира Ботирова

Ўқитувчи Гулистон давлат университети, 91-501-35-65

Жамиятнинг ижтимоий гуруҳи бўлган талаба ёшлар фаоллиги жами-ятимиз аъзоларига хос фаолликнинг ҳамма хусусиятларини ўзида акс эттиради. Талаба ёшлар маънавияти, аввало, миллий қадриятлар таъсирида шаклланади. Зеро, оила, мактаб, маҳалла бу жараённинг тамал тошини қўяди. Бу эса улар фаоллигини ошириш, талаба ёшларда миллий қадриятларга содиқ-лик туйғусини тарбиялашга хизмат қилади.

Бугунги глобаллашув замонида ёшларнинг калби ва онгини эгаллаш учун мисли қурилмаган даражада кураш бормокда. Бу курашлар сахнасида Ўзбекистон ёшлари калби ва онгида ўз халки ўтмишига эҳтиром ва муҳаббат ҳиссини сингдириш долзарб вазифага айланмокда. Шунинг учун Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиб, унинг моҳиятини англаш ўқувчиларни тарихий анъаналар ва олийжаноб фазилатлар манбаларини, уларнинг тарихан таркиб топганлигини тушуниб олишларига кўмак беради.

Ёшлар, хусусан талабалар ва ўқувчиларни маънавий баркамол авлод вакиллари сифатида тарбиялаш ва шакллантиришда кадр ва кадрлаш туйғуси, қадриятлар категорияси, уларнинг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш шакллари тўғрисидаги билимларнинг мажмуаси бўлган замонавий аксиология, яъни қадриятшуносликнинг асосларини ўргатиш ниҳоятда муҳим. Ана шу сабабдан ҳам умуминсониятнинг кадрлаш меъёрлари борасида тўплаган ютуқларини умумлаштирган билим соҳалари имкониятидан фойдаланиш таълим-тарбия самарадорлигининг асосий мезонларидан биридир.

Миллий давлатчилик ҳамда демократик жамият куришда, умумбашарий қадриятлар билан уйғун холда миллий қадриятларимизга эҳтиром туйғусини шакллантириб, ёшларимиз тарихий онгини устувор дунёқараш билан мустаҳкамлашдек муҳим вазифани амалга оширишда аجدодлар меросига мурожаат қилиш давр тақозоси сифатида катта аҳамият касб этади. Зеро, биз ўз тарихимизни ҳолисона ва ҳаққоний баҳолаб, маънавий меросимизни бойитиш ва ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз, шу асосда бугунги жаҳон илму-фани ва маданиятининг юксак чўққиларини эгаллашдек буюк вазифага ҳар томонлама муносиб ва қодир бўлишимиз даркор.

Ёшлар тарбияси ҳақида қайғуриш—эртанги кун, ёрқин келажак ҳақида қайғуриш демакдир. Ёшларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли мураккаб масаладир.

Демократик жамият курилиши даврида ёшларнинг социал-сиёсий, ижтимоий активлиги тобора кучайиб бормоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг ўқиш ва ижодий меҳнатда, жамият ҳаётида фаол қатнашишлари учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Талабалик йиллари-ёшлар ҳаётининг энг муҳим, ривожланиш давридир. Бу даврда ёшлар жисмоний ва актив жиҳатдан камолотга етадилар, ҳаёт маъносини чуқурроқ, англайдилар, жамиятда ўз ўрнини топиш йўлида изланадилар. Худди ана шу даврда юксак идеаллар учун фаол курашчининг хусусиятлари шаклланади, тажрибаси ортади. Бинобарин, талабалик даври орзу ва ишончлар, келажакка интилишлар, бўлажак режаларнинг шаклланиш давридир. Ана шу даврда ёшлар ижтимоий меҳнатни тўғри баҳолай оладиган, мамлакат олдидаги вазифаларни, шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлигини, жамият бойликларининг қийматини, Давлатимиз белгилаб бераётган вазифаларни тўғри англашга интиладиган баркамол шахсга айланадилар.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар бу хусусиятларни ижтимоий ҳаётда тўла намоён этиш имкониятига эгадирлар. Бугунги талаба ёшлар эртанги кунда мамлакатимиз олдида турган улуғвор вазифаларни амалга оширишга тайёрланаётган кишилардир. Бугунги талабалар истиқлол машъ-алини ёққан кишилар авлоди, улар яратаётган янги жамиятни келажак томон олиб боровчи ёшлардир. Улар бу борадаги масъулиятни доимо эсда тутмоқлари керак.

Жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида ёшларнинг маънавий соҳадаги фаоллиги уларнинг ўз актив ҳаётий позициясини онгли ва ижодий равишда амалга оширишидан иборатдир. Бундай позиция- юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриши сиёсатининг моҳиятини билишни, ижтимоий ҳодисаларга теран муносабатни, жамият тараққиётининг устувор вазифаларини чуқур ўрганишни, яъни назария билан амалиётни моҳирона қўшиб олиб боришни, меҳнатга фаол муносабатни, юксак эътиқод ва ахлоқий фазилатларни намоён этишни англатади.

Ёшларда миллийлигимизни дунёга танитиш, маданий мерос тушун-чаларини янада шакллантириш, уларда юксак ҳуқуқий онглилик ҳуқуқий маданият, жамият ва давлат манфаатларини чуқур тушуниб етиш, ижтимоий бурч, яъни ўз қилмишлари учун давлат олдида жавобгарлик туйғусини шакллантиришни қадрият даражасига кўтариш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Конституция ва қонунларга риоя қилиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқ. эркинликлари, кадр-қиммати ва шаънини иззат икром қилишга, республика тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб авайлашда иштирок этиш, атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш каби бурчларни ёшларга тушунтириб бориш лозим.

Бугунги кундаги энг муҳим қадриятлар миллий мустақиллик мафку-расининг асосини ташкил қиладиган келажакка ишонч, ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, ҳалоллик, мардлик каби инсоний сифатлардан иборат бўлиб келмоқда.

Бугунги ёшларимизнинг дунёқараши ва қизиқишлари аввалги ёшлар-никидан фарқ қилади. Демак уларнинг қизиқиши ва талабларини ҳисобга олган ҳолда тарбия, билим беришнинг ноанъанавий усуллари ва янги педогогик технология билан биргаликда миллий анъана ва урф-одатларимиз акс этган миллий қадриятларимиздан самарали фойдаланиш бугунги кун талабидир.

Ёшлар маънавиятини шакиллантириш, уларда миллий қадриятларга содиқлик руҳини кучайтириш ва ривожлантириш муаммоларини ижтимоий таҳлил этишнинг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, миллий қадриятларнинг мустақиллик туфайли қайта тикланиши ва уларни ривожлантиришга бўлган эътиборни кучайти-рилганлиги, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда уларнинг аҳамиятини назарий, фалсафий таҳлил қилишни талаб этади.

Иккинчидан, жамиятнинг келгуси тараққиёти, мамлакат тақдири, халқ келажаги бутун ўқув юртларда таълим олаётган ёшларнинг маънавиятига, эгаллаган билимига, тарихий-маданий урф-одатларимизни келажак авлод-ларга етказиш ва бунинг учун масъулиятни ўз зиммаларига олишига боғлиқ. Чунки бугунги кун ёшлари эртага қайсидир соҳани, жамият ва давлат ишларни бошқаради, миллий қадриятларни келгуси авлодларга етказиши.

Бу борада халқ педогогикасининг анъаналари муҳим аҳамият касб этади. Бу анъаналар узоқ вақт давомида ривожланиб, фалсафий тафаккурда умумлашиб, ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари шаклига кирган. Уларда таълим тарбиянинг назарий ва амалий масалалари билан боғлиқ кўпгина муҳим муаммолар илгари сурилган. Булар ҳозирги кунимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган тарбиявий омиллардир.

Бугунги ёшларимизнинг дунёқараши ва қизиқишлари аввалги ёшлар-никидан катта фарқ қилади. Демак, уларнинг қизиқиши ва талабларини ҳисобга олган ҳолда тарбия, билим беришнинг ноанъанавий усуллари, янги педагогик технология ва миллий анъаналаримиз акс этган миллий қадри-ятларимиздан самарали фойдаланиш бугунги кун талабидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, жамиятимиз ҳаётидаги барча соҳа вакиллари бевосита ёки билвосита маданий мерос тушунчаси, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни, ёшлар фаоллашувидаги аҳамияти, унинг миллийлик ва умуминсонийлик жиҳатларидаги алоқадорлиги масалаларини инобатга ола-диган бўлсак, ушбу мавзунинг назарий ва амалий аҳамиятини нақадар кенг қамровли эканлигини тушуниш мумкин.